



Tadqiqot.uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No 17  
30 июнь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
4 -ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ- 4**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART- 4**

**ТОШКЕНТ-2020**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 20 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга багишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хукуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чарииев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чарииев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ  
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Ахмедова Дилдора Олимжоновна</b> ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ .....	7
<b>2. Тошпўлат Матибаев</b> ДАВЛАТ ВА ФУҶАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ .....	9
<b>3. Шакирова Шохида Юсуповна</b> ВЕЛИКИЙ ОБРАЗ ВОСТОЧНОЙ ЖЕНЩИНЫ .....	14
<b>4. Salaydinov Baxtiyor Shavkatovich</b> MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA O'ZBEK-TOJIK MUNOSABATLARIDA MADANIY HAMKORLIK .....	17



## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ахмедова Дилдора Олимжоновна  
Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси  
Тел: +998935498805  
ahmedovadildora4@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда хотин-қизлар меҳнат фаолиятини қўллаб-кувватлашнинг устувор йўналишлари ўрганилган. Иш билан таъминланганлик хотин-қизлар орасида норасмий меҳнат миграциясini олдини олишда муҳим аҳамият касб этувчи омил сифатида кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат миграцияси, бандлик, тадбиркорлик, манзилли қўллаб-кувватлаш, оила институти, ижтимоий ҳамкорлик.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий фаолиятини йўлга кўйиши ва рағбатлантириш, уларнинг бандлигини таъминлашни барқарор иктисодиёт гарови, деб баҳоланди. Шунга қарамай, бу борада хотин-қизларнинг билим ва кўнилмалари етарли эмаслиги, айрим холларда хукуқий ва иқтисодий масалаларни мустақил ҳал қила олмасликлари каби муаммоли ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бу эса тадбиркорликни йўлга қўйган ва ушбу жараённи бошлаш арафасида турган хотин-қизларга қулай ва имтиёзли ишбилармонлик муҳитини яратиш, унинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини долзарблаштиради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-53-25 сонли Фармони доирасида “Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оиласиб ҳам кузатилмоқда. Бу эса тадбиркорликни йўлга қўйган ва ушбу жараённи бошлаш арафасида турган хотин-қизларга қулай ва имтиёзли ишбилармонлик муҳитини яратиш, унинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини долзарблаштиради.”

Ушбу фармон асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар давомида аёллар орасида учраб турадиган кўплаб муаммоларнинг асосий манбаи ишсизлик эканлиги аниқланмоқда. Хусусан, 2018 йил маълумотларига мувофиқ, республика миқёсида ишсиз аёллар сони 168 634 нафар, шундан бандлик марказларида ҳисобда турувчилар 45 892 нафарни ташкил этаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ««Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга янада ойдинлик киритди. Хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини янада оширишга қаратилган касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микро фирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали уларга қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш ва бир қанча йўналишлар ушбу Дастурнинг устувор жиҳатларини ташкил этди.

Бунда “Тадбиркор аёл” уюшмаси каби нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйишида ва рўйхатдан



ўтказиша хуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича режа ишлаб чиқилди ва ижрота йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб хотин-қизларни мустақил фаолиятга, даромад манбаига эга бўлишга, оиласаларнинг бюджетини шакллантириш ва шу орқали турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилимоқда.

Жумладан, аёллар ижтимоий-иктисодий фаоллигини кўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш соҳасида иш олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали республикамизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари белгиланмоқда.

Албатта, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишда эришилган ютуклар билан чекланмасдан, балки унинг тадрижийлигини таъминлашда қўйидаги йўналишларда амалий ишларни кучайтириш лозим.

**Биринчидан**, республикамизда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш имкониятларини ўрганиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда мутасадди ташкилотларга тақдим этиши.

**Иккинчидан**, республикамизда хотин-қизлар ижтимоий-иктисодий фаолиятини кўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиха ҳамда дастурларни мониторинг қилиш, баҳолаш тизимини самарадорлигини ўлчаш учун аниқ кўрсаткичлар ишлаб чиқиши.

**Учинчидан**, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда аёлларни ижтимоий-иктисодий кўллаб-қувватлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган истиқболли режаларни яратиш.

**Тўртинчидан**, ўрта мактаб, каб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчи қизларни, шунингдек уюшмаган аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

**Бешинчидан**, аёл тадбиркорлар ўртасида ўзаро амалий-ижодий ҳамкорлик мухити, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликда фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, халқаро даражада тажриба алмашиш йўналишида бирлаштириш.

**Олтинчидан**, хотин-қизларнинг тафаккур тарзида туб ўзгаришларни вужудга келтириш, яратилаётган иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда тадбиркорликни эркин ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқа олиш қобилиятини шакллантириш.

**Еттинчидан**, хотин-қизларнинг шахсий имкониятларига ишонч туйғусини бериш, ижтимоий-иктисодий фаоллигини оширишда рағбатлантириш.

**Саккизинчидан**, хотин-қизларнинг шарқона фазилатларини бозор иқтисодиётининг бугунги қонуниятлари билан уйғунланлаштириш.

**Тўққизинчидан**, мамлакатда юз берадиган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга шахсий дахлдорлик хиссини ривожлантириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-53-25 сонли Фармони.

2. 2016 йил 29 декабрь куни “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.



## ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Тошпўлат Матибаев,  
Социология фанлари доктори, профессор  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати*

Ижтимоий тизимлар ўзгаришида жамият ва давлат ўртасидаги алоқалар муҳим ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Одамлар томонидан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш механизми ва қоидалари адолатли деб баҳоланса, жамиятда ижтимоий бирдамлик шунча мустаҳкам бўлади. Давлат сиёсий институт, жамият сиёсий ҳаётининг харакатлантирувчи кучи, ҳокимиятнинг ўзига хос шакли, жамиятдаги институционлашув жараёнининг тенг иштирокчиси сифатида ҳокимиятни амалга оширишнинг жамият томонидан тан олинган қоидаларини ҳаётга татбиқ этади ва шу маънода ижтимоий ҳамкорлик манфаатларига хизмат қилади. Давлат ва жамият ривож топар экан, унда социологиянинг ўрни алоҳида. Бугунги цивилизация даврида социология фанисиз тараққиётни, одамларнинг хоҳиш-истакларини, давлат бошқарувини тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, социологияни жамият ҳақидаги фан деб ҳисоблаш мумкин. Жамиятни ўрганувчи ҳар бир фан унинг табиатига ва асосий қизиқишига яқин бўлган, ўзининг тадқиқот предметига эгадир. Жамият ҳақидаги ушбу фанлар тизимида социологияни ажратиб турган нарса шуки, биринчи навбатда жамият ижтимоий тизимининг турли босқичларида шахс, оила, маҳалла, мактаб, институт, корхона, ташкилот, туман, шаҳар, вилоят бутун мамлакат, ҳамда ялпи жамиятда шаклланадиган ижтимоий ўзаро муносабатлар ва инсоний муносабатлар ўрганади. Шунинг учун социология жамиятни эмас, балки, жамиятни ташкил этувчи унинг асосида ишлаб турувчи ва ривожланувчи ижтимоий материални ўрганади. Социология асосий эътиборни жамиятни ҳар хил ижтимоий ва худудий тузум босқичларида вужудга кела-диган кенг маънодаги инсонларро муносабатлари ва жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратувчи фандир. Социология фани жамиятнинг турли соҳалари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа тармоқларида тадқиқотлар ўтказади. Ҳозирда давлатнинг ижтимоий ҳамкорлик тизимини таъминлашдаги масъулияти тўғрисида янги концепциялар яратилмоқда. Хусусан, ҳинд иқтисодчи олимни, 1998 йилда иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлган Амартья Сен ўзининг бозор шароитида ижтимоий фаровон-лик назарияси доирасида қашшоқликдан қутулиш йўлини асослаб берган. Амартья Сен бозор иқтисоди тарафдори бўлгани ҳолда, бозор тизимининг инсон ижтимоий эҳтиёжлари ва шахсий тараққиётини таъминлаган тақдирдагина мақбул деб ҳисоблайди.<sup>1</sup> Унинг фикрича, “агар давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилмаса, саводсизликни тугатиш, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини яратишга эътибор бермаса, бошқа ҳеч бир эркин бозор тизимлари одамларни қашшоқликдан қутқара олмайди”.<sup>2</sup> Демак, ижтимоий муросани таъминлаш ҳам давлат ролига бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик моделининг мақбул йўли танланди. У жамият ва давлат ўртасида шаклланган муносабатларнинг анъанавий тизимидан воз кечмайди, балки хукуматга бўлган юқори даражадаги ишончга асосланади. Бошқача айтганда, жамият давлатга эмас, балки давлат эркин жамиятта хизмат қилиши зарурлиги асосий қоида бўлиб қолмоғи керак. Маълумки, ҳозирги жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози даврида давлатнинг иқтисодга батамом аралашмаслик сиёсати ўзини окламади. Хорижий тадқиқотлар натижалари ва жаҳон банки мутахассислари фикрича, ривожланган Ғарб мамлакатларида ички ялпи маҳсулотни тўплаш ва ундан фойдаланишда давлат ролининг ошиб бориши кузатилмоқда. Бунда давлатнинг роли ҳаддан зиёд “кўп бўлса” ҳам, ҳаддан зиёд “кам бўлса” ҳам

<sup>1</sup> Қаранг: Котов Л. Создатель экономики с человеческим лицом // Эхо планеты. -1998. - №44. – С.33.

<sup>2</sup> Ўша манба.



номақбулдир.<sup>1</sup> Умуман, кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар жамият иқтисодий ҳаётини ташкил этишдаги давлат ролининг глобал тарзда ошиб боришини кўрсатмоқда. Буни Жаҳон банкининг ҳисботлари ҳам тасдиқлади.<sup>2</sup>

Ўзбекистонда социологлар ассоциацияси ташкил этилиши жамият ижтимоий ҳаётининг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат хокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш ва аҳоли демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишда кўмаклашади.

Ўзбекистон шароитига мослаб, замонавий социологияда қуидаги ўрганиш обьектларини ажратиш мумкин.

**Ижтимоий босқич:** 1. Жамият; 2. Ижтимоий қатлам; 3. Ижтимоий гурух; 4. Маҳалла; 5. Оила; 6. Шахс;

**Миллий босқич:** 1. Миллат; 2. Элат; 3. Этник гурух; 4. Авлод; 5. Миллий оила; 6. Индивид;

**Тармоқлар босқиччи:** 1. Иқтисодиёт; 2. Сиёсат; 3. Маданият; 4. Фан; 5. Таълим; 6. Маънавият ва маърифат; 7. Экология ва бошқалар.

**Худудий босқич:** 1. Минтақа; 2. Мамлакат; 3. Вилоят; 4. Шаҳар; 5. Туман; 6. Қишлоқ; 7. Маҳалла.

Охириг пайтларда мамлакатимизда социологиянинг роли ортиб бормоқда, бу фанга умумий қизиқиши кучаймоқда. Нега? Чунки Ўзбекистонда ҳозир ҳалқ манфаатларига қаратилган ислоҳотлар ўтказилаётгани сабабли янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий иқлим шаклланди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида ўзгаришлар кузатилмоқда, социал таркибда ўзгаришлар қайд қилинмоқда, янги ижтимоий институтлар ва муносабатлар пайдо бўлмоқда. Ватанимизда социология хеч қандай тўсиқсиз ривожланиш ва мустақил ижтимоий фан сифатида ўзини англаш имконияти туғилди. Жамиятимизда кузатилаётган ижтимоий ўзгаришлар ва жараёнлар социология фанининг дикқат марказида турибди. Социологик фикрлашнинг энг муҳим жиҳати жамият ҳаётида инсон шахсини тушунишдан иборатдир. Шахсга бўлган социологик нуқтаи назарнинг ўзига ҳослиги шундан иборатки, бу фан унга ижтимоий воқеиликни ўзгартирувчи фаол мавжудот сифатида карайди. Ижтимоий институтлар кўп жиҳатдан инсон аҳлоқини ифодалайди, аммо айни шу вақтнинг ўзида улар инсон фаолиятининг ифодаси ва индивидларнинг ўзаро ижтимоий таъсири хосиласидир. Жамиятимизда кузатилаётган мураккаб жараёнларни эса социологик таҳлилсиз тўғри тушуниш мумкин эмас. Инсонни барча даврларда нафақат уни ўраб турган табиатнинг жумбоқлари ва ҳодисалари, балки одамлар ҳаёти билан боғланган муаммолар ҳам қизиқтириб келган. Нима учун одамлар якка яшашни истамайдилар? Улар орасида чегара ўтказилишини нималар мажбур қиласди? Нима учун баъзилар кўп неъматлардан фойдаланади, баъзиларда эса бундай имкониятлар йўқ? Шунга ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб қидириш ўтмишдаги донишмандлар ва олимларни улар яшаб турган жамиятни ўрганишга унданган ва ҳаётнинг ўзи қўйган саволларга жавоб излашга унданган. Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломаларнинг асарларида ўз даврига мос тарзда очиб берилган. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” номли асарида инсонларро муносабат, тартиб, тамойилларини мувозанатга солувчи ва “шахс – жамият – давлат” ўйнунлиги тарзида тизимли муносабатлар инсонларни бирлаштирувчи, унинг шаклланиш ғоялари, қоидалари ҳамда инсониятнинг тадрижий ривожланиш жараёни ўрганилган. Ҳамкорлик ғояси тарихнинг турли даврларида ҳар бир тарихий вазият ва воқеиликларга боғлиқ ҳолда турли омилларга эга бўлган<sup>3</sup>.

Хорижлик олимлар, хусусан, А.Смит, Г.Спенсер, Б.Рассел ва бошқаларнинг тадқиқотига

<sup>1</sup> Абалкин Л. Зарулили не туда. Будем выбираться //Труд. -1998. - 27 октября.

<sup>2</sup> Қаранг: Журнал. Вопросы экономики. -1997. - № 7. – С. 4-34.

<sup>3</sup> Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билг. –Тошкент, 1973; Низом-ул-мулк. Сиёсатнома. –Тошкент, 1983; Темур тузуклари./Б. Аҳмедов таҳр. остида. –Тошкент, 1991; Алишер Навоий. Ҳамса. –Тошкент, 1973; Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент, 1993; Термизий Ҳожа Самандар. “Дастур ул-мулк: Подшохларга кўлланма”. Таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: Ж.Эсонов. –Тошкент, F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1997.



кўра<sup>1</sup>, ҳамкорлик Ғарбда саноатлашган жамият шаклланиши билан кучайганини қайд этган. Унинг демократик ривожланиш даврига кириши билан тадқиқотларда ижтимоий ҳамкорликнинг ўзаро боғлиқлиги янада кучлироқ ёритилади. Бу борада хорижлик жамиятшунос мутахассислар: В.Васович, Д.Горовиц, Х.Линц, А.Степан, М.Ноттурно, С.Хантингтон, Ф.Эйдлин ва бошқаларнинг асарларида ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик муаммолари жамиятни демократлаштириш нұктай назаридан ишлаб чиқилган<sup>2</sup>. Социологияга оид энг биринчи билимларни олимлар ва донолар фикрларида топиш мумкин. Лекин ўша даврдаги тадқиқотлар тўла ва узлуксиз бўлмаган. Жамиятни таҳлил қилиш, гурӯҳдаги инсон хулқини ўрганиш тўла-тўқис олиб борилмас эди. Инсонлар орасидаги муносабатларнинг мушқулланиши, мураккаб ташкилотларнинг пайдо бўлиши жамият олдида турган муаммоларни амалий ҳал қилиш эҳтиёжини кучайтириди. «Социология» атамаси француз тилидан «жамиятни ва ижтимоий муносабатларни илмий ўрганиш»<sup>3</sup> маъносини англатади. Бу таъриф ушбу фан нимани ўрганиши тўғрисида фақат умумий тасаввур беради, ўзининг ярим асрлик ривожланиши давомида социология ўзининг мазмуни ва услублари, кўллайдиган атамалари бўйича турли илмий мактаб ва йўналишлар тарафдорлари орасида кучли тўқнашувлардан иборат қийин йўлни босиб ўтди. Лекин бу турлича ёндошувларнинг мақсади битта - инсонни, уни ўраб турган ижтимоий борлиқни, унинг ижтимоий фикрлаш маданиятини чуқурроқ тушунишдан иборат. Шунинг учун машҳур рус-америкалик социологи П. Сорокин таъбири бўйича бу фанни «ўзига мос мухитда яшовчи одамларнинг хулқини ўрганувчи»<sup>4</sup> фан дея таърифлаш мумкин. Машҳур немис олими Макс Вебер онгни ижтимоий ҳаракат омили деб таърифлаган эди. У маданият ҳақидаги фанларни (уларга социологияни ҳам киритган эди) ва табиат ҳақидаги фанларни ажратган. «Социология... шундай фанки, деб ёзган эди М. Вебер, ижтимоий ҳаракатни... тушунишни хоҳлайди ва бунинг асосида унинг сабабларини тушунтириб беради...»<sup>5</sup>. Бошқа фанлар сингари, социология инсонни ўраб турган бутун дунёсини ўрганмайди, балки жамиятнинг, у ёки бу тизимнинг бир таркибий қисми сифатида кузатилаётган жараёнларини, уларнинг энг мухим ва ўзига хос бўлган хоссаларини ўрганади. Зоро, социологни иқтисодиётда фойда маромлари қизиқтирмайди, балки уни бутун жамиятда пул қандай рол ўйнайди ёки ижтимоий жараёнларни бошқаришда пулнинг ўрни қанчалик аҳамиятга эга эканлиги қизиқтиради. Социология шахсни жамиятда бажараётган фаолияти, ўзлаштирилган мақомларини ижтимоий тизим жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганади. Социологиянинг ўрганиш предмети инсон ҳаёти тарзининг конкрет ва ҳайратомуз воқеалари, одамларнинг жамиятдаги такрорий хулқ намуналари ҳисобланади. Ваҳолангки, оиласда, кўчада, транспортда, дўконда, ишхонада, ўқув аудиториясида - хуллас барча вазиятларда инсон хулқининг такрорланувчан кўринишларини кузатишимиш мумкин. Масалан, одам дўконга кирганда, сотувчидан қандай муомала кутишини билади. Худди шундай аудиторияга кирган ўқитувчи ҳам талабалардан қандай муомала кутишини олдиндан билади. Айнан шу ҳолатда талабалар ҳам ўқитувчидан касб маҳоратини ишга солган ҳолда маъруза ўқиш, амалий машғулотлар ўтказиш ва талабаларнинг билимини объектив баҳолашини кутади. Айтиш мумкинки, ўқитувчи билан талабалар орасида ўзаро боғлиқлик бор ва бу боғлиқликлар улар таҳсил олаётган ўқув даргоҳининг ижтимоий мавқеи ҳамда жамият

<sup>1</sup> Smith A. (An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations). –М., Эксмо, 2007. 255-б; Spencer H. (The Man versus the State). СПб.; Russell B. (Consciousness in the physical world. Perspectives on Russellian Monism), 2015, -С.121-142.

<sup>2</sup> Васович В. Переход к демократии в посткоммунистических странах (парадокс перехода - демократизации)// Вестник МГУ, Серия 18, Социология и политология, 1998, №2, -С.19-49; Горовиц Б. Структура и стратегия этнического конфликта//Власть, 2007, №2, -С.29-37 Линц Х. и Степан А. Государственность, национализм и демократизация// Полис, 1997, №5, -С.8-19 (соавторстве с А. Степаном); Формирование государств и наций//Панорама-Форум, 1 (8), 1997. -С.1-14; Ноттурно М. Открытое общество и его враги: сообщество, авторитет и бюрократия. –«ВФ», 1997, №11; Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века. - М.: РОССПЭН, 2003; Столкновение цивилизаций. –М.: АСТ, 2003; 2004; Эйдлин Ф. Сила и бессилие системы коммунистической власти/Полис. 1991, № 6. -С.14-23.

<sup>3</sup> Смелзер Нейл. Социология. М.Феникс, 1994, 659 бет.

<sup>4</sup> Бекмурадов М. Социология асослари. - Т: «Фан», 1994.

<sup>5</sup> Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона. М.:1972. С.364.



олдидағи вазифаларидан келиб чиқади. **Ижтимоий мавқе** шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди. Одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бажарадиган вазифаларининг мазмунини уларнинг мазкур ташкилотларда эгаллаб турган ижтимоий мавқелари аниқлаб беради ўз навбатида, одамларнинг конкрет ҳаракатлари жамланмаси социологияда «ижтимоий рол» атамаси билан ифодаланади. **Ижтимоий рол** ижтимоий мавқе (статус) нинг амал қилишини ифодалайди. Зеро, жамиятдаги инсон ҳулқи, ижтимоий ташкилотлар қабул қилган **ижтимоий нормалар** орқали бошқарилади. Булар нафақат жамиятда қабул қилинган қонунлар, анъаналар, балки, маҳсус норматив топшириклар, айтайлик, у ёки бу жамоада қайд қилинган низомларда, буйруқларда ифодаланган бўлиши мумкин. Кўрсатилган учала атама - мавқе, рол ва норма социологиянинг асосий тушунчаларидан ҳисобланади, улар ёрдамида ҳар қандай шахс ёки ижтимоий ташкилотларнинг хусусиятларига чизғи бериш мумкин. Жамиятдаги ижтимоий ташкилотлар ва инсонларнинг ҳулқ-атворлари механизmlарини тушунтириш учун ўша жамиятнинг ижтимоий тизимини таҳлил қилиш лозим. Аммо, замонавий социология жамиятдаги ижтимоий тизимни тадқиқ этиш билан чегараланиб қолмайди, унинг тараққиёти ва ўзгаришларини ҳам башорат қиласди. Ўтказилган социологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, **биринчидан**, жамият ҳаётининг муҳим бўлган соҳалари - иқтисодиёт (мехнат шароитлари), экология ва демографияга оид ҳолатлар жиддий эътибор билан ўрганилмоқда. **Иккинчидан**, социологик тадқиқотлар жамиятда демократияни ривожлантириш, ҳокимият масалалари, аҳолини бошқарув иштироки билан боғлик бўлган сиёсий жараёнлар ва ҳаракатларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга имкон яратади. **Учинчидан**, социология жамият маънавий ҳаётини фаол ўрганидади. Бунда унинг тадқиқот предмети бўлиб маърифий, маданий, илмий, адабий, ижодий, диний ва бошқа соҳаларнинг муаммолари хизмат қиласди. Демак, социология ижтимоий ҳаётнинг бир соҳаси билан чегараланиб қолмай, у инсон мансуб бўлган барча гурухлар, қатламлар, жамоалар, муассасалар, ҳамда одамларнинг кундалиқ-маиший ҳаётлари масалалари билан ҳам қизиқади. Бошқача қилиб айтганда, социологиянинг **бош мақсади** - бу инсон ва унга алоқадор ижтимоий ташкилотларнинг хатти-ҳаракатларини оқилона тарзда тушунтиришdir. Бунинг натижасида эса жамиятда мавжуд бўлаётган муаммолар ўзига хос ечимини топади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги Фармони негизида ҳам социологик тадқиқотларни такомиллаштириш мақсади ётибди. Фармон билан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази этиб қайта номланди. Энди марказ давлат ҳокимияти, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, ижтимоий ва хавфсизлик соҳаларидаги ислоҳотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш; фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ҳолати ва мазмунини белгилаш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш; ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида, аҳолининг ижтимоий фикри ҳақида ишончли ахборотни тарқатиш; хорижий тадқиқотчилик амалиётida фаол фойдаланиладиган ва замонавий ахборот ёндашувларига таянадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш масалалари билан шуғулланмоқда. Қабул қилинган Фармонга мувофиқ Марказ социологик тадқиқотлари натижаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган социологик сўровлар натижаларини Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Ҳайъати йиғилишларида муҳокама этиш ва зарурий чора-тадбирларни белгилаш тажрибаси биринчи маротаба амалиётга жорий этилмоқда. “Ижтимоий фикр” Маркази фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида мамлакат

<sup>1</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2019 й., 06/19/5667/2648-сон.



ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий соҳалари ва бошқа йўналишларининг долзарб масалалари бўйича аҳолининг жамоатчилик фикрини телефон ва Интернет орқали ўрганиш учун блиц-сўровлар ўтказиш мақсадида Call-марказ ташкил этилди. Сўровлар натижалари доимий равища ОАВ ва Марказнинг веб-сайтида эълон қилиб борилади. Бу эса нафакат ўтказилаётган сўровлар сифатини оширади, балки сўров ўтказиш услубиёти, олинган маълумотларни ишлаш ва тадқиқот натижаларини таҳлил этишни такомиллаштиришга ҳам хизмат қиласади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2019 й., 06/19/5667/2648-сон.
2. Котов Л. Создатель экономики с человеческим лицом // Эхо планеты. -1998. - №44. – С.33.
3. Абалкин Л. Зарулили не туда. Будем выбираться //Труд. -1998. - 27 октября.
4. Қаранг: Журнал. Вопросы экономики. -1997. - № 7. – С. 4-34.
5. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент, 1973; Низом-ул-мулк. Сиёсатнома. –Тошкент, 1983; Темур тузуклари./Б.Аҳмедов таҳр. остида. –Тошкент, 1991; Алишер Навоий. Хамса. –Тошкент, 1973; Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент, 1993; Термизий Хожа Самандар. “Дастур ул-мулк: Подшоҳларга қўлланма”. Таржима, сўзбоши, изоҳлар муваллифи: Ж.Эсонов. –Тошкент, F.Улом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1997.
6. Smith A. (An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations). –М., Эксмо, 2007. 255-б; Spencer H. (The Man versus the State). СПб.; Russell B. (Consciousness in the physical world. Perspectives on Russellian Monism),.2015, -С.121-142.
7. Васович В. Переход к демократии в посткоммунистических странах (парадокс перехода - демократизации)// Вестник МГУ, Серия 18, Социология и политология, 1998, №2, -С.19–49; Горовиц Б. Структура и стратегия этнического конфликта//Власть, 2007, №2, -С.29-37 Линц Х. и Степан А. Государственность, национализм и демократизация// Полис, 1997, №5, -С.8-19 (в соавторстве с А. Степаном); Формирование государств и наций//Панорама-Форум, 1 (8), 1997. -С.1-14; Наттурно М. Открытое общество и его враги: сообщество, авторитет и бюрократия. –«ВФ», 1997, №11; Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века. - М.: РОССПЭН, 2003; Столкновение цивилизаций. –М.: АСТ, 2003; 2004; Эйдлин Ф. Сила и бессилие системы коммунистической власти/Полис. 1991, № 6. -С.14-23.
8. Смелзер Нейл. Социология. М.Феникс, 1994, 659 бет.
9. Бекмурадов М. Социология асослари. - Т.: «Фан», 1994.
10. Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона. М.:1972. С.364.



## ВЕЛИКИЙ ОБРАЗ ВОСТОЧНОЙ ЖЕНЩИНЫ

Шакирова Шохида Юсуповна  
Доктор философских наук в области филологии (PhD)  
Телефон: +998(94)649 69 59  
[sh.rustamova1994@mail.ru](mailto:sh.rustamova1994@mail.ru)

**Аннотация:** В статье говорится о роли женщин в обществе, о таких выдающихся личностях, как Томарис, Бибиханум, Гулбаданбегим, Зебинисо, Нодирабегим, Увайси, которые оставили свой неизгладимый след в великой истории нашего народа своей смелостью и упорством, умом, элегантностью и чуткостью. Рассказывается их образ жизни, мировоззрение, их статус, ставший на протяжении веков великим символом женщин нашей страны, в частности, роль Сароймулханума (Бибиханума), одной из важнейших женщин династии Тимуридов, в общественно-политической жизни общества. Кроме того, в статье кратко говорится об активном участии женщин в социальной, политической и экономической жизни общества в период правления Амира Темура и Темуридов, важным фактором которого стали создание Амиром Темуром крупного централизованного государства и налаживание торговых и дипломатических отношений со многими странами.

**Ключевые слова:** мужество, упорство, духовность, ценность, уважение, сострадание, деликатность, интеллект, гуманность, патриотичность.

С незапамятных времен особое внимание уделялось святости семьи, ее сохранению и укреплению. Эти благородные качества, унаследованные от наших предков, стали священной духовной ценностью для сегодняшнего и будущих поколений, высоким духовным чувством, проникшим в наши сердца. За прошедшие годы независимости в нашей стране особое внимание уделялось вопросам социально-правовой защиты семьи, совершенствованию правовых основ семейных отношений. Повышение его места и статуса в обществе последовательно реализуются как важнейшая задача.

Уважение к женщинам – одна из благородных черт узбекского народа. Указ Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева УК-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» от 2 февраля 2018 года служит усилению роли и статуса женщин в семье и обществе, полной реализации потенциала женщин, дальнейшему укреплению социально-духовной среды в семьях. Учитывая все это, указ возлагает задачу продолжать работу по воспитанию всесторонне здорового поколения и повышению его до более высокого уровня.

На Востоке женщины всегда пользовались большим уважением и являются символом сострадания и преданности. Когда мы говорим о женщине, мы представляем, прежде всего, образ великой и благословленной матери. Человек познает всю добрую и благородность вселенной, секреты и уроки жизни благодаря огромной любви матери. До конца своей жизни, он всегда чувствует себя обязанным перед своей матерью, тем великим человеком, который дал ему жизнь, воспитал и вырастил. Любовь и труд женщины несравненны в превращении ребенка в мужчину, в благосостоянии семьи, в развитии и становлении мужчины смелым, благородным, мужественным и настоящим человеком.

В хадисах не зря говорят, что «Женщин уважают только великие люди, а презирают подлые». Уважение, прославление, почитание женщин, облегчение их бремени — это священная традиция, унаследованная от наших предков.

Когда речь идет о положении женщин в обществе, всегда с уважением упоминаются такие великие деятели, как Томарис, Бибиханум, Гулбаданбегим, Зебинисо, Нодирабегим, Увайси, которые оставили неизгладимый след в великой истории нашего народа своей смелостью и упорством, умом, элегантностью и чуткостью. Благодаря их образу жизни, мировоззрению они на протяжении веков стали великим символом женщин нашей стра-



ны. Описывая женщину, мы в первую очередь думаем о Сароймулханум (Бибиханум), одной из самых важных принцесс династии Темуридов, которая сделала себе имя в истории благодаря широте ума и мышления. Сароймулханум была дочерью Казан-хана из Чагатайской улуса, в 29 лет вышла замуж за Амира Темура. Темур, учитывая её происхождение из ханской династии, назначил её Бибиханум (старшей женой). То есть она считалась старшей среди всех принцесс в гареме. Действительно, Сароймулханум была очень умной, сообразительной и предприимчивой женщиной. Ей не было равных в политике, гуманности и щедрости. Она могла принимать участие в управлении страной, в организации социальных и культурных дел страны. Из истории нам известно, что когда Амир Темур начал свой поход в Иран, осада Исфахана продолжилась долго и Бибиханум было отправлено письмо. В письме было сказано: «Запас армии исчерпан, отправьте золото из казны». Когда Бибиханум прочитала его, она написала на обратной стороне письма: «Великий Амир, если ваше золото закончилось, закончилась ли и ваша политика?» и вручила его посыльному[1].

Когда Амир Темур получил письмо, он подумал оsarкастическом ответе Бибиханума и решил собрать кости зарезанных овец, крупного рогатого скота, лошадей и верблюдов, в армии, разрезать их на разные размеры, взвесить и поставить на них стальную печать. Затем он приказывает ввести запечатанные кости в обращение вместо денег. После этого в городах и селах еду стали покупать на кости. Когда город Исфахан сдался, кости обменяли на золото. Этот случай показывает, что во времена правления Амира Темура доверие, уважение и вера в женщин были высокими.

Принцессы Тимуридов принимали активное участие не только во внутренних, но и в международных дипломатических отношениях. В частности, в 1402 году в церемонии встречи послов из Египта, Турции, Монголии, Китая и Испании участвовали такие принцессы, как Бибиханум, Туман ага, Хонзодабегим. Бибиханум и Хонзодабегим провели специальный прием в честь посла Испании и были признаны послом.

Исторические данные показывают, что согласно порядку дворца, в церемониях приема иностранных послов во дворце Амира Темура присутствовали также его жены. По словам Рюи Гонсалеса де Клавихо, посла короля Испании Генриха III, Амир Темур в сентябре 1404 года принимает послов в парке Дилкушо на окраине Самарканда. Клавихо рассказывает, что на приеме с торжественным банкетом рядом с правителем Самарканда сидели Бибиханум и его другие жены. Среди даров испанского короля правителю больше понравилась красная ткань, и он обсудил это со своими женами, в первую очередь с Бибиханумом. Через месяц Бибиханум также устраивает большой прием. На нем на ряду с послами других стран принял участие Рюи Гонсалес де Клавихо. Он с восхищением рассказывает, что праздники, устраиваемые в садах Амира Темура, были полны изобилия и красочны.

Согласно историческим записям, Бибиханум попросила у Амира Темура разрешения на постройку медресе. Получив разрешение, она продала алмазные серьги, подаренные отцом Казанханом, и использовала эти деньги для строительства медресе. Во время строительства медресе Бибиханум часто посещает строительную площадку и делится мнениями с мастерами. После завершения строительства, Бибиханум дает указания главному мастеру о недостатках здания. Хотя мастер не видел лица принцессы, он понимает, что она остроумная женщина, и думает: «Может ли женщина быть такой мудрой и умной? Все, что я слышал о госпоже, оказалось правдой. Хотел бы я, чтобы все женщины были такими мудрыми» [2].

Построенное Бибиханумом медресе отличалось своим величием среди всех медресе в Самарканде в конце XIV и начале XV веков.

В медресе преподавали религиозные и светские науки лучшие учителя своего времени. Бибиханум была гуманной, патриотичной женщиной, хорошо осведомленной о политической, экономической, социальной и культурной жизни страны, особое внимание уделяла науке и просвещению, а также спонсировала студентов. Бибиханум сопровождала Сахибириана Амира Темура в его походах. Она активно участвовала в управлении империей



с мудрыми советами. Хотя Амир Темур не подчинялся Бибиханум, он чувствовал необходимость в её справедливых советах. Несмотря на то, что у Бибиханум не было детей, Сахибиран доверил Бибиханум воспитание своих внуков Мухаммеда Султана, Халила Султана, Улугбека и других мирза [3].

Труд Бибиханума безгранична, особенно в здоровом росте Улугбека Мирзо, его совершенного приобретения религиозных и светских знаний. Воспитание Улугбека Мирзо Амир Темур поручил только Бибихануму. Вспомним мнение Навои об Улугбеке Мирзо. Он отметил, что Улугбек Мирза читал Коран наизусть в семи кираатах, называя это великим чудом. Хотим обратить внимание еще на тот факт, что Амир Темур и Бибиханум уделяли особое внимание женщинам, считая их основным источником здоровья для будущих поколений. Амир Темур говорил: «Я уделил особое внимание поиске невесты для моих сыновей, внуков и родственников. Я видел эту работу как равную работе государства. Я изучил родословную и семь предков будущей невесты и запретил своим сыновьям, внукам и родственникам приближаться к женам выпив хоть каплю вина. Я выбрал этот чистый путь, поскольку считал, что ребенок, рожденный под влиянием вина, оказывает пагубное влияние на родословную».

Бибиханум была не только женой Сахибирана, но и его самым доверенным и близким советником.

Кратко говоря, во времена правления Амира Темура и Темуридов, женщины принимали активное участие в социальной, политической и экономической жизни общества, независимо от классовой принадлежности. Важным фактором в этом стали создание Амиром Темуrom крупного централизованного государства и налаживание торговых и дипломатических отношений со многими странами. Эти процессы также повлияли на жизнь женщин и побудили их действовать более активно.

Бибиханум – великий символ женщины Востока, как опытный общественный деятель, она также оставила глубокий след в нашей духовной жизни.

Женская духовность – это украшение жизни. Современные женщины должны изучить духовный образ женщин не только настоящего, но и прошлого и быть примером для будущего поколения женщин. Сегодня наши женщины, такие как Бибиханум, которые своим умом и мудростью способствуют созданию будущего, развиваются в своей профессии благодаря плодотворной работе и в то же время сохраняют целомудрие, честь и доброту узбекских женщин, становятся благородным источником общества.

#### Использованная литература:

1. Файзиев Т. Темурий маликалар. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б.5.
2. Файзиев Т. Темурий маликалар. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б.7.
3. Урта асрлар тарихи (1-кисм: Ўзбекистон тарихи). – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 292.



## MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA O'ZBEK-TOJIK MUNOSABATLARIDA MADANIY HAMKORLIK

*Salaydinov Baxtiyor Shavkatovich*  
*O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institute*  
*katta o'qituvchisi Telefon: +998934386666*  
*sbaxtiyor@mail.ru*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O'zbekiston va Tojikistonning tarixiy va madaniy birligi ochib berilgan. O'zbekiston va Tojikiston o'rta-sidagi madaniy-gumanitar sohadagi hamkorlikning xususiyatlari, tarixiy faktlar tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** O'zbekiston Respublikasi, Tojikiston Respublikasi, Markaziy Osiyo, urf-odatlar, madaniyat, tashqi siyosat, ikki tomonloma munosabatlar, madaniy-gumanitar hamkorlik.

Tojik va o'zbek xalqlarining yashash sharoiti, urf-odatlari, turmush tarzi bir-biriga nihoyatda yaqin. Bu ikki xalqning o'tmishda birgalashib, o'z ozodligi, erki uchun kurashgani, o'lmas me'moriy yodgorliklari va san'at durdonalarini yaratgani tarixdan ma'lum. Asrlar davomida ko'pgina tojik va o'zbek san'atkorlari biribiriga ustoz, biribiriga shogird bo'lib ijod qilib kelishgan.

XX asrning 20-yillarida sobiq Sovet Ittifoqi O'rta Osiyoni va mintaqaning jug'rofiy birligini birlashtirib turgan «Turkiston» nomini bekor qildi. 1924 yilda Turkiston hududida O'zbekiston va Turkmaniston tuzildi. 1929 yilda Tojikiston O'zbekistondan ajralib chiqdi [1, 180-b.].

Mashhur frantsuz mutaxassis O.Ruaning ta'kidlashicha, mintaqa davlatlarining hududlari, chegaralari, poytaxtlari va hatto tillari, 1920-1930 yillardagi Sovet tuzumining ixtirosi yoki uydirmasi hisoblanadi [2, 326-b.].

O'zbekiston va Tojikiston Markaziy Osiyodagi biri-biriga chambarchas bog'langan, qarindoshlik rishtalari bilan mustahkamlangan, to'y-marosimlari hamda urf-odatlari o'xhash mamlakatlardir.. Bundan tashqari, O'zbekistonda ham, Tojikistonda ham o'zbeklar va tojiklar birgalikda istiqomat qiladigan tuman va shaharlarda o'zbek va tojik tillarida gaplashishadi. O'zbekistonning birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'kidlaganidek: «Yaratganning o'zi tojiklar va o'zbeklarni bir loydan olib yaratgan. Ming yillar davomida bizning xalqlarimiz do'st bo'lib, bir-biriga bog'lanib, qiyinchiliklarni birgalikda yengib, kelajagini birga qurmoqdalar ... Hech kim bizni nomimiz yoki tashqi ko'rinishi bilan ajrata olmaydi ... O'zbeklar va tojiklar ikki tilda gapiradigan yagona xalq deyish xato bo'lmaydi» [3, 101-b.].

Mashhur antropolog olim Oshanin o'zining fundamental tadqiqotlarida shuni ta'kidlab dalolat berishicha, O'zbekiston va Tojikistonning butun tarixi davomida o'zbeklar etnogenezi masalasi tojiklarni bilan chambarchas bog'liq bo'lib kelgan [4, 34-b].

Yurtimizda tojik millatiga mansub qariyb 1,5 million fuqaro istiqomat qiladi. Mamlakatimizning 10 hududida tojik milliy madaniyat markazlari faoliyat olib bormoqda. Samarqand, Termiz, Farg'ona davlat universitetlarida tojik tilida mashg'ulotlar olib boriladi.

Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Prezidenti sifatida o'z faoliyatini boshlagandan keyin o'z nutqlaridan birida O'zbekiston tashqi siyosatidagi bosh ustuvor vazifalardan biri — mamlakat manfaatlari chambarchas bog'liq bo'lgan Markaziy Osiyo mintaqasi davlatlari bilan aloqalarni mustahkamlash ekanligini ayтиб o'tgan edi.

«Biz o'zimizning eng yaqin qo'shnilarimiz — Turkmaniston, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston bilan ochiq, do'stona va pragmatik siyosat olib borishga sodiq qolamiz», — degan edi Mirziyoyev.

O'zbekiston va Tojikiston o'rta-sidagi munosabatlar yangi davr talablari asosida rivojlanmoqda. O'zbekiston Respublikasi bilan Tojikiston Respublikasi o'rta-sida 2000-yilda imzolangan Abadiy do'stlik to'g'risidagi shartnomada ikki tomonloma munosabatlarning asosiy tamoyillari aks etgan.

Bundan uch yil oldin O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o'z nutqida “20 yillik qalin muz eritilishi kerak. Shundan so'ng konstruktiv qo'shnichilik munosabatlarini tiklasa bo'ladi. Bu



oson ish emas, buning uchun muayyan vaqt talab etiladi”, deya ta’kidlagan edi. Darhaqiqat, o’tgan davrda davlatimiz rahbarining oqilona siyosati tufayli ikki mamlakat o’rtasida yillar davomida yig’ilib qolgan gina-kuduratlar unutilib, mavjud muammolarni birgalikda hal qilish yo’lida jadal harakat boshlandi.

Tojikiston-O’zbekiston munosabatlari tarixida birinchi marta 2017 yil may oyining boshida Tojikistonda O’zbekiston madaniyati kunlari bo’lib o’tdi. Bunday madaniyat kunlarining oxirgisi 1991 yil iyun oyida bo’lib o’tgan edi [5].

Ta’kidlash joizki, Tojikistonda O’zbekiston madaniyati kunlarini o’tkazilishining ahamiyatli tarafi shundaki, u ikki mamlakat madaniy qatlamlari o’rtasida yaqin hamkorlik uchun yo’l ochadi.

Shuningdek, 2017-yilda Toshkent va Dushanbe shaharlarida ishbilarmon doiralar o’rtasida o’zaro aloqalarni kengaytirish, savdo bitimlari va shartnomalarni tuzishga asos bo’lgan milliy ko’rgazmalar va biznes-forumlar tashkil etildi. Ikki mamlakat o’rtasida avtomobil, temir yo’l va havo qatnovi yo’nalishlari qayta tiklandi. Aprel oyida Toshkent va Dushanbe shaharlari o’rtasida to’g’ridan-to’g’ri aviaqatnov yo’lga qo’yildi. Undan tashqari 2017-yilda O’zbekiston Respublikasida ham Tojikiston Respublikasi madaniyati kunlari muvaffaqiyatlari o’tkazildi.

O’zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2018 yil 9-10 mart kunlari rasmiy tashrif bilan Tojikiston poytaxtiga tashrif buyurgan. Ushbu tashrif davomida ikki mamlakat o’rtasidagi hamkorlikning turli sohalarida islohotlarni jadallashtiruvchi 27 bitim imzolandi. Madaniy va gumanitar hamkorlik masalalari yuzasidan fikr almashildi. Natijada Dushanbe va Toshkent o’rtasida savdo-iqtisodiy va madaniy-gumanitar hamkorlik to’g’risida bitimlar imzolandi. Buning natijasida ilmiy muassasalar, o’quv yurtlari, ommaviy axborot vositalari, ijodiy va sport jamoalar, yoshlari va xotin-qizlar tashkilotlari, kasaba uyushmalari va boshqa fuqarolik jamiyatni institutlari o’rtasida to’g’ridan-to’g’ri aloqalar yo’lga qo’yilmoqda.

Do’stona hamda samimiy ruhda bo’layotgan muloqot va uchrashuvlarda siyosiy, savdo-iqtisodiy, transport-kommunikatsiya, madaniy-gumanitar hamda boshqa sohalarda keng qamrovli aloqalarni yanada kengaytirish va chuqurlashtirish istiqbollari, shuningdek, mintaqaviy hamda xalqaro ahamiyatga molik qator masalalar atroficha muhokama etilmoqda.

Madaniy-gumanitar hamkorlik masalalarida ikki davlat o’rtasida keng imkoniyatlar mavjud. Masalan o’zbek tilini Tojikistonda, tojik tilini O’zbekistonda o’rganish va o’rgatishni takomillashtirish, o’quv va badiiy adabiyotlar, davriy va ilmiy nashrlar bilan almashuv, ikki mamlakatning mumtoz adabiyot vakillari va zamonaviy mualliflari asarlarini tarjima qilishga alohida e’tibor qaratish zarur. Ta’lim va fan sohasida o’zaro munosabatlarni, shu jumladan, ikki mamlakat oliy o’quv yurtlari va fanlar akademiyalari o’rtasida hamkorlikni rivojlantirish kerak.

Tojikiston Prezidenti Imomali Rahmonning mamlakat poytaxtidagi “Yoshlikning 50 yilligi” istirohat bog’i nomini “Nizomiddin Alisher Navoiy” deb qayta nomlash to’g’risidagi farmoyishi ikki xalq madaniy hayotida muhim voqeа bo’ldi.

O’z navbatida, O’zbekiston hukumati qarori bilan Samarqand shahrida ikki xalqning buyuk vakillari – Alisher Navoiy va Abdurahmon Jomiyga yodgorlik o’rnatildi. Bundan tashqari, Toshkent metropolitenining Sergeli tumanida qurilayotgan stansiyalaridan biriga atoqli tojik shoiri, Tojikiston Qahramoni Mirzo Tursunzoda nomi berildi.

Hozir oldingi ko’tarilgan tashabbuslarni jonlantirishga urinish bo’lmoqda. 2017 yili Samarqanda xalqaro konferentsiyada, O’zbekiston Prezidenti bir qator muhim bayonotlar bilan chiqqan edi. Ushbu konferentsiyada Prezidentimiz Markaziy Osiyo davlatlari chegaraoldi mintaqalari rahbarlari assotsiatsiyasini tuzishni taklif qilgan edi.

Aslida, Markaziy Osiyoda bunday o’zaro ta’sir doirasini ikki muhim masala yuzasidan yaratish mumkin. Bu chegara masalalari bo’yicha hamkorlik va suv-energetika sohasidagi hamkorlik. Agar ushbu ikkita maqsadga erishilsa, mintaqaviy rivojlanish uchun yaxshi istiqbol bo’ladi.

Xulosa qilib aytganda, biz Markaziy Osiyoda yagona axborot makonini yaratishni taklif qilamiz. Mamlakatlarimiz chegaradosh bo’lishiga qaramasdan, madaniy, gumanitar, axborot aloqalari nuqtai nazaridan bir-birimizdan yiroqmiz. Davlat rahbarlari tomonidan taklif etilayotgan loyihihalar madaniy, gumanitar va ta’lim sohasidagi o’zaro hamkorlikning yagona maydonini yaratishni o’z ichiga olishi kerak, shunda yoshlari bir-birlarini yaxshiroq bilib olishadi. Aslida, bu



mamlakatlardagi "mustaqillik avlod" bo'lgan yosh avlod vakillari o'zlarining qo'shni davlatlari haqida kam xabardorlik sharoitida o'sgan.

Foydalanimagan adabiyotlar ro'yhati:

1. Carrere d'Encausse H. Le grand defi: Bolchevics et Nations. 1917-1930. – Paris: Flammarion, 1987. – P.180-186.
2. Roy O. La nouvelle Asie Centrale ou la fabrication des nations. – Paris: Editions du Seuil, 1997. – P.326.
3. Каримов И.А. Свое будущее мы строем своими руками. Т.7. – Т.: Узбекистан, 1999. – С.101.
4. Ошанин Л.В., Зезенкова В.И. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. – Т., 1953. – С.34.

Internet saytlari:

5. <http://press-unity.com/stati/10073.html>
- 6.<https://ru.sputniknews-uz.com/politics/20180309/7678530/mirzieev-rahmon-uzbekistan-tajikistan.html>
- 7.<http://www.dialog.tj/news/emomali-rakhmon-pereimenoval-park-50-letiya-molodezhi-v-dushanbe>

**TADQIQOT.UZ**  
**ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(4-қисм)**

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шоҳруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000